

## ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



1998 йил

18 июль

Сотувда эркин нархда  
№ 143 (1924)ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Пойтахт вилояти  
ғаллакорлари маррага  
етди. Улар уйған хирмон  
230 минг тоннадан ортиқ.  
Бу йил бугдойнинг  
серхосил навларидан  
вилоятдаги 70дан ортиқ  
хўжаликда 38-40 цент-  
нердан ошириб дон янчиб  
олинди. Юздан ошқ  
бригада ва оилавий  
пудрат жамоаларида эса

ҳосилдорлик 50-60  
центнерни ташкил этди.  
Айниқса, Тошкент,  
Бекобод, Ўртачирчи,  
Чиноз, Янгийул, Пскент  
туманларида эришлаган  
ютуқ самонам бўлди.  
Вилоят ғаллакорлари  
давлатга яна 10 минг  
тонна дон топширишди.  
**Ш. КАРИМОВ,**  
«Жалқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун  
ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги  
кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш  
чора-тадбирлари тўғрисида

“Қишлоқ хўжалиги кооператив /ширкат хўжалиги/ тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, 1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, мулккий пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалиги кооперативлари /ширкат хўжаликлари/ни ташкил этиш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида” 1998 йил 18 мартдаги ПФ-1973-сон Фармонида мувофиқ республикада йирик товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, энг аввало пахтачилик ва ғаллачилик пайчиликка ва оила (жамоа) пудратига асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) томонидан амалга оширилади.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзгўштасаноат” уюшмаси, “Ўзгўштасаноат” уюшмаси, “Ўзгўштасаноат” уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган жамоа корхоналари (жамоа хўжаликлари)ни тайёрлик даражасига кўра қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га айлантириш жадвали маъқуллансин.

2. Қуйидаги норматив ҳужжатлар тасдиқлансин:

Феолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликлари қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га айлантириш тартиби;

Мулккий пайларни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалиги кооперативлари қайта ташкил этиш комиссияси тўғрисидаги Намунавий низоми;

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги)нинг Намунавий уставини;

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги)нинг устав жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низоми;

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги)нинг бўлимас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низоми;

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги)да мулккий пайларни шакллантириш, уларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низоми ва мулккий пай тўғрисидаги Намунавий гувоҳнома;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 15 июль.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

“Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида

“Фермер хўжалиги тўғрисида” ва “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш ҳақида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда дехқон ва фермер хўжаликлари аҳамиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

1998 йил 1 октябрдан бари қонунларда феолият кўрсатган дехқон (фермер) хўжалиқларини уларнинг Ер кодексида, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қонунлар ва нормаларга мувофиқлигини таъминлаш чоралари ҳақида уларни қайта рўйхатдан ўтказсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда ҳар бир туманда феолият кўрсатган дехқон (фермер) хўжалиқларини бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжалиқларини фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақида феолият кўрсатган шахсий ёрдамчи хўжалиқларини дехқон хўжаликларига ўзгартириш

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 15 июль.

## ҲОСИЛДОРЛИК 80 ЦЕНТНЕРДАН ОШДИ

Ҳар йидагидек бу йил ҳам Андижон вилоятининг Балиқчи тумани ғаллакорлари мўла ҳосил етиштирдилар. Пайкаллардаги ана шу ризқ-рўзимизни тез кунда, нест-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш мақсадида 51 та комбайн, шу жумладан, 7 та «Кейс» баҳордаёқ ишга шайлаб қўйилган эди. Бу ўз самарасини берди. Уларнинг ёрдамида 23 минг тоннадан зиёд бугдой ҳосили саранжомланди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 82,8 центнерни ташкил этди.

Туман далаларида ҳали ўрим-йиғим давом этмоқда.



80% репортаж

Суратларда: Хайрихон Эргашева номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Гофуржон Қодиров, бошқарув раиси Аҳмад-жон Ҳожиёв ва ижарачи Абдулхайит Маймаинов ҳосил қўйишдан мамнун; ўрим пайти; Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бошқарув раиси Хусанбой Юсупов ва 2-бригада бошлиғи Мамадинжон Раҳмонов келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА)  
олган суратлар.

## Янгилаштириш қирралари

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ  
БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

## 1. ЖАҲОН МАЙДОНИГА ЙЎЛ

Иқтисодий ўсиш бўлмаса, жамият ривожлана олмаслиги турган гап. Бозор иқтисодиёти қонунлари кўра, инвестиция иқтисодий ўсишнинг манбаи ҳисобланади. Негаки, четдан сарфланган сармоя ишлаб чиқариш қувватлари, бинобарин, иқтисодий салоҳиятнинг ошиб боришини таъминлайди. Буни хориж тажрибаси, ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўл мисолида аққол кўриш мумкин.

Айтайлик, бугунги Японияда ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулот ҳажми 5,5 триллион доллардан зиёд бўлиб, бу Россияда яратилган маҳсулотдан деярли 14 марта кўп демасдик. Ана шу кўрсаткич фақат АҚШ-да ортиқ. Бундай улкан иқтисодий ўсиш омили катта миқдордаги инвестицияларнинг сарфлангани натижадир. Инвестициянинг аҳамиятини Хитой тажрибаси ҳам тасдиқламоқда. Самарали инвестицион феолият туфайли бу мамлакат ҳар ўн йил ичида ялпи миллий маҳсулотни икки марта кўпайтиришга эришмоқда.

Уз истиклол ва тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистонда ҳам хориж инвестициясини жалб этиш ҳақида изчил сиёсат юритилган. Бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзбек моделининг афзаллиги ҳам шундаки, биз-

да иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, чет эл инвестициясига алоҳида эътибор берилмоқда. Буни қуйидаги рақамлар ҳам исботлаб турибди.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЁТҚИЗИЛИШИ

| Кўрсаткичлар                                                            | 1995  | 1996   | 1997     |
|-------------------------------------------------------------------------|-------|--------|----------|
| Жами капитал маблағлар (млн.сўм)                                        | 76460 | 148276 | 218601,4 |
| Жами капитал маблағларнинг ЯИМ ҳажмига нисбатан ҳиссаси (фоиз ҳисобида) | 25,2  | 26,5   | 22,1     |
| Жами капитал маблағлар манбаларининг тақсимланиши (фоиз ҳисобида):      |       |        |          |
| а) бюджет маблағлари                                                    | 28,9  | 30,5   | 33,4     |
| б) корхона маблағи                                                      | 52,3  | 5,37   | 57,0     |
| в) банк кредити                                                         | 11,1  | 8,7    | 9,0      |
| г) бошқа маблағлар                                                      | 7,7   | 7,1    | 0,7      |

Ички капитал маблағлар тақлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда инвестициялаш метёри (инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси) иқтисодиёт даражасига нисбатан анча юқори бўлиб, бу иқтисодий ўсишни кафолатламоқда. Муҳими шуки, капитал маблағлар ётқишида ишлаб чиқаришга устуворлик берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ДАРСЛИКЛАР  
БЕПУЛ  
ТАРҚАТИЛАДИ

1998-99 ўқув йилида мактаб дарсликларининг пулли бўлганлиги айрим эҳтиёжманд оилаларни биров уйлантириб қўйган эди. Бироқ ҳиммати баланд ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари бу борада уларга ёрдам беришга қарор қилди. Жумладан, Касби туманидаги Х.Хўжақулов номли жамоа-ширкат хўжалиги ўз ҳудудидаги мактаблар учун “Қашқадарёқитобсавдо” ҳиссасдорлик жамияти ҳисобига 500 минг сўмдан пул ўтказди. Қашқадарёқитобсавдо” ҳиссасдорлик жамияти 150 минг сўм, Усмон Юсупов туманидаги 134-автокорхона 30 минг сўм пул ажратди. Натижада вилоятда кўплаб кам таъминланган оилалар дарсликлари бепул оладиган бўлди.

А. ТАЙПАТОВ,  
ЎзА мухбири.ТАДБИРКОРЛИК  
ГУМУС АФЗАЛ  
ДЕЙИШАЯПТИ

Бир тонна минерал ўғитнинг баҳоси ўрта ҳисобда 60 минг сўмни ташкил этади. Жаллақудуқ туманидаги “Бошқарам” дехқон-фермер хўжалигида тайёрланган гумуснинг бир тоннаси атиги минг сўм. Бироқ ў ҳар қандай минерал ўғитдан қоқилмайди. Самарандорликни низоҳатда юқори. Энди гумус “Бошқарам”ликлар даладасин минерал ўғитни сиқиб чиқарди. Натижада пахта ҳосилдорлиги 29 центнердан 36 центнерга, картошкаликка эса 250 центнерга ортди. Харажат қисқариб, 185 минг сўм фойда қўлиди.

Фермерлар жорий йилда ўз тасарруфидаси барча майдонларда экологик жиҳатдан муваффоқ бўлган гумусдан фойдаланишмоқда. Ўзлар бораёқ ривожланаётган. Картошка ҳосили ҳам чакки эмас.

О. ШОДНОЛИЕВ,  
«Жалқ сўзи» мухбири.ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА  
1 млн. АҚШ доллари

Мамлакатимиздаги мўтадил сиёсий ва иқтисодий иқлим ишлаб чиқариш турли соҳаларининг бир маромда ривожланишини таъминлаш билан бирга, банк-молия тизими, шу жумладан, тижорат банклари феолиятга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Яқинда Филиппин пойтахти Манила шаҳрида Осие Ривожланиш банки президенти жаноб Сато Ўзбекистон банклари ассоциацияси таркибига кирувчи тижорат банклари тараққиётини учун моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ-грант ажратди ҳақидаги расмий ҳужжати имзолади.

Ушбу маблағнинг 400 минг доллари республика Банк-молия академиясига,

Ўз мухбиримиз.

## ЁД ЭТИЛДИ

Кеча Фаргона вилоятидаги 40 дан зиёд жоме масжидларида Шоҳмардон Ҳожиёвнинг қурбон бўлган руҳ-инкият музолимонлиқ аълоларига биноан Қуръон тиловат қилинди.

Фарғонадаги «Янги чек», Қўқондаги «Мираб», Марғилондаги «Тутат» масжидларида Қуръон тиловат қилиш билан бирга, ҳалок бўлганлар шахидлар қаторида эълолият таъқидланган, уларнинг оналари ва яқинларига сабр-бардон, қаноат сўралди.

Шу кун Фаргона тумани маркази Водил қишлоғида туркий халқларнинг қадимий одаларига биноан қурбонлар руҳига наҳорин ош тортинди.

Нобижон СОБИР,  
«Жалқ сўзи» мухбири.ИШПАГАН ОДАМ КАМ  
БЎЛМАЙДИ

Сувон ҲОТАМОВ, Бойбўт туманидаги «Тараққиёт» ширкатлар уюшмасининг 1-ширати раҳбари:

## ИСТИҚЛОЛ МОҲИЯТИ

1. Менинг назаримда, орадан ўтган етти йил давомида одамларимиз онгида узини ва узлигини англаш туйғулари шакллана бошлади. Улар мамлакатда, ўз вилоятларида, қишлоқ ва шаҳарларда бўлаётган сиёсий-ижтимоий воқеаларга диққат билан эътибор беришган, феолият муносабат билдирадиган шахс сифатида намоён бўла бошладилар.

Мен оддий дехқон бўлганим билан бадий ва сиёсий адабиётларни кўп ўқийман. Давлатнинг буюклиги учун унинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойликлари бўлиши керак. Давлатнинг фуқаролари эса моддий неъматларни янада кўпайтиришда жонбозлик кўрсатишлари зарур. Бизда айнан шу жараён амалга ошяпти. Улут боболари, буюк фарзандлари, ер ости ва ер усти маъданлари тўлиб-тошган, меҳнаткаш халқи бўлган давлат албатта буюклик сари юз тутайди.

2. Ўзим ҳам, оила аъзоларимиз ҳам истиқлол даврида бир нарсатга, яъни, ишлаган одам кам бўлмаслигига, бизда ҳалол ва фидокорона меҳнат албатта тақдирланишига ишонч ҳосил қилдик.

3. Янги аср бугунда турган бизнинг авлоддан келажак авлодга улут анъаналар, бой инсоний қадриятлар, тўзал Ватан мерос бўлиб қолади. Бунинг учун биз қарела, қандай вазифа ишламайлик, меҳнатимиз самараси бир мақсадга йўналтирилган, қилётган юмушнинг мазмун ва моҳиятини тўла англаган бўлишимиз керак.

4. Мустақиллигим мустақамлашга қўшаётган маънавий ҳиссам билан фахрланаман. Бироқ бу меҳнатини ҳали етарли дег ўйланмайман. Бу йил 40 гектар майдондан 45 центнердан ғалла ҳосили кўтардик. Ҳосилдан бушаган майдонларга тақририй экинлар экантимиз. Мустақиллигим мустақамлаш учун меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат зарурлигини юрак-юракдан тушуниб турибмиз.

«Жалқ сўзи» мухбири  
А. ХОНИМКУЛОВ тайёрлади.















## МОЗИЙДАН СЎЗЛАЙДИ БУНДА ХАР БИР ТОШ...

Ўтмишимиздан, мо-  
зийдан сўзлагувчи музей-  
лар, тарихий обидалар —  
бизнинг бойлигимиздир.

Самарқанд шаҳрининг  
энг сўлим гушаларидан  
бирида жойлашган Али-  
шер Навоий музейига  
ташриф буюрган киши  
буюк аждодларимиз дав-  
ридан сўзлагувчи турфа  
ёдгорлиг уюштурувчи  
маҳлиё бўлиб томоша  
қилиши табиий.

Шуниси диққатга сазоворки, музейга нафақат юрт-  
дошларимиз, балки хорижий меҳмонларнинг ҳам қизиқиши  
юқори.

Сураткаш мухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов олган тас-  
вирларда музейнинг умумий кўриниши ва экспонатлар зали  
акс эттирилган.



1. Ўттиз еттига теннис корти ишлаб турибди.
2. "Сўғдиёна"га 33 миллион сўм...
3. Қадимий халқ ўйинлари тикланмоқда.

Кейинги икки йил оммавий  
спортни ривожлантиришда туб  
бурилиш даври бўлди. Жиззахда  
инсон ҳаётида асосий ўрин ту-  
тайдиган соғломлаштириш тад-  
бирларига бу қадар эътибор  
бўлмаган. Маҳаллий ҳокимлик-  
лар жисмоний тарбия ва спорт-  
ни жонлантиришнинг икки мин-  
гичи йилгача бўлган аниқ дас-  
турини ишлаб чиқдилар. Дои-  
мий маблаг билан таъминлайди-  
ган ҳомиёлар пайдо бўлди. Ома-  
мий ҳаракатларнинг самаралари  
эса мана кузга ҳам ташланиб  
қолди. Ўтган йилнинг ўзига ма-  
ҳаллий бюджетдан уч ярим мил-  
лиондан зиёд, ҳомиёлар ҳисоби-  
дан етти юз минг сўмга яқин  
ажратилган спорт жамоалари  
қаддини бирмунча кўтарди.

Натижаларга қаранг: 1996  
йилда Жиззахлик спортчилар 20  
та халқаро ва 44 та республика  
мусобақаларида иштирок этган  
бўлсалар, бултур бу кўрсаткич-  
лар нисбатан ўттиз ва элик са-  
катига ўсди. "Сўғдиёна" фут-  
болчилари бир йил ичида олий  
лига турнир жадалининг ўн ик-  
кич ўринидан саксонинчига чи-  
қиб олди. Ёлғиз ахборот бокс,  
эркин кураш бўйича Қозғоғи-  
стонда ўтказилган иккинчи Мар-  
казий Осиё ўйинларидан Олег  
Веретельников, Лазиз Зокиров,  
Жаҳонгир Муродовлар олтин ва  
кумуш медал билан қайтишди.

Кейинчалик ўш спорт маҳорати-  
ни ошириб бораган Лазиз Ма-  
лайиза Осиё чемпионатида қат-  
нашчилар ўртасида мамлакатим-  
из шукрати учун курашиб,  
боксдан учинчи ўринни эгалла-  
ди. Ўн тўрт - ўн етти ёшлар  
даврасида Хиндиштондаги жаҳон  
беллашувида эса элик икки ки-

лограмм вазили эркин курашчи  
Зиор Азимов кумуш медални  
қўлга киритди ва ҳоказо. Спорт  
тарихида қўтилмаган воқеалар со-  
дир бўлди: Жиззах ҳам жаҳон май-  
донига чиқди. Бу аввало муста-  
қиллик берган имконият бўлса,  
сўнгра спортчилар учун яратил-  
ган қўлай шарт - шароитлар на-  
тижаси, дейиш мумкин.

Айниқса футболни ривожлан-  
тиришга қўрсатилган гамхўр-  
лик эътиборга лойиқ. Виллоят  
ҳокими икки йил бадалда бу бо-  
рада қўлай қарор қабул қилди.  
"Сўғдиёна" футбол клубининг  
моддий - техник қувватини оши-  
риш, маблаг билан таъминлаш  
учун шу йилнинг ўзига ўттиз бит-  
та ҳомиё ташкилот аниқланди.  
Улар томонидан жамоа ҳисоб ра-  
қамига 33 миллион сўм маблаг  
тушириш кўтилмоқда. Ўттиз беш  
нафар футболчининг ҳар бири  
биттадан корхона ёки ташкилотга  
биркиртиб қўйилди.

Ҳаёт "Сўғдиёна" эмас, ҳоким-  
лар ва ҳомиёлар гамхўрлигидан  
бошқа қўлайлар ҳам четда қол-  
гани йўқ. Виллоят чемпионатининг  
ўзига ўн саксонга жамоа куч си-  
нашди. Ёлғиз бор аёллар  
"Қалдирғон" командаси тўзилди.  
Қўл тўп бўйича эркак ва аёллар  
терма жамоалари ҳам биринчи  
март республика чемпионати  
биринчи лигасида иштирок  
этишти.

Оммавий спорт турлари бўйи-  
ча мусобақаларни бугунги кунга  
қелиб қишлоқларда, маҳалларда  
да ўтказиш одат тусини олпти.  
Уларга ўн учта спорт федерация-  
си, ўн бешта спорт клуби бош-  
қош бўлмоқда. Жиззахдаги мар-  
казий ўйингоҳ жаҳон андозасига  
мос таъмирланди ва жиҳозланди.

## Ҳомийдан мадад, жамоадан муваффақият

Виллоят марказида яна шундай ма-  
ҳабатли теннис корти, ёпиқ сув  
спорт саройи ишга туширилди.  
Жойларда ўттиз еттига очиқ тен-  
нис майdonи меҳнатқашлар ихти-  
ёрига топширилган. Барча туман-  
лардаги ўйингоҳлар бугун фақат  
мусобақа ўтказиладиган майdon  
бўлиб қолмай, спортнинг беш -  
олтита тури бўйича аҳолига пул-  
лик хизмат ҳам кўрсата бошлади.

Сўғимнинг аввалида қишлоқ-  
ларда ҳам спорт ривожланиш  
йўлига кирди, дедик. Бунинг ис-  
боти бор: виллоят спорт қўмитаси  
қасаба уюшмалари кенашига ҳамда  
"Меҳнат ўринбосарлари" спорт  
жамиятлари ҳамкорлигида Фориш,  
Зомин туманларининг тоғли қиш-  
лоқларида, Жиззах туманининг  
Ўвоб қишлоғида жойлашган ўқув-  
чи - ёшлар оромгоҳларида, дам  
олиш уйларида ўнча спорт тури-  
ни ўз ичига олган спартакиада  
ўтказилди. Шундай тадбирларни  
байрам қилири газилар, авто-  
транспортчилар туманлардаги  
ҳўжалиқларда ҳам ўтказишди.  
"Нуронийлар", "Ногиронлар" жа-  
мийатлари ҳомиёлик қилиб спорт-  
нинг ҳали Жиззахга ноёнганавий  
бўлган мусобақаларини уюштири-  
дилар.

Халқ таълими бошқармаси,  
"Қамолот", "Маҳалла" "Соғлом  
аёллар учун", "Болалар" жамғар-  
малари биргаликда "Меҳрибонлик  
уйи" да, мактабларда, болалар бо-  
ғчаларида, маҳаллаларда спортни  
ривожлантириш тадбирларига  
қўра ҳақимиз орасида деярли уну-  
тилб кетган, форшлик мутасад-  
ди спортчилар сый - ҳаракати  
билан яна қайта тикланиб, мам-  
лакатта, жаҳонда доврай ёйилган

нинг оқибати эмасмикан? Туман-  
ларда мусобақалар тулик ўтқа-  
зилмаганлиги сабабли виллоят тер-  
ма жамоалари республика "би-  
ринчи ўсириллар ўйини" да дуруст  
натيجا кўрсата олмади.

Аҳолини оммавий спорт тад-



бирлари билан кўпроқ қамраб  
олиш учун бу ишлар ҳали етар-  
ли эмас. "Ойла йили" да белги-  
ланган режаларнинг қўлига нега-  
дир қўл уримапти. Қўлаб мак-  
табларнинг ёш спортчилари рес-  
публика телеўйинларида, қатто ҳа-  
лқаро мусобақаларда ҳам қатна-  
шяптилар-у, лекин маҳаллий теле-  
видениеда бундай кўрсатувлар  
тайёрланмапти.

Оммавий спортни ривожлан-  
тириш — ҳамманинг иши. Фақат  
шу соҳа мутасаддилари жамоат  
ташкилотларини бунга жалб қила  
олишлари керак.

Х. НАБИРАЕВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

## ҲОМИЙЛАРГА — «НЕКСИЯ» ВА «ТИКО»

Андижон вилояти  
ҳокими Қошиқжон Обидов  
бокс бўйича Жаҳон кубо-  
ги соҳиби Муҳаммадқодир  
Абдуллаевга "Нексия" ав-  
томашинаси қалитини  
топишди.

Андижонлик машҳур  
боксчилар  
Муҳаммадқодир Абдул-  
лаев, Жаҳон кубоги му-  
собақаларининг брон-  
за совриндори, қора-  
сувлик Тўлқин Турғу-  
нов ҳамда уларнинг ус-  
тозлари Марс Қўчқо-  
ров, Валентин Золота-  
рёвларни шарафлаш  
чоғида виллоят ҳокими,  
виллоят спорт қўмитаси  
раҳбарлари ва жа-  
моат ташкилотлари-  
нинг вакиллари Ўзе-  
кистон мустақилликка  
эришгандан кейин  
спортчиларимиз спорт-  
нинг қўлига турлари  
бўйича, шу жумладан,  
бокс бўйича мусобақа-  
ларда ўз қобилиятларини  
тула намоён этиш имко-  
ниятига эга бўлганликлари-  
ни алоҳида таъкидлаш-  
ди.

Тўлқин Турғуновга  
"Тико" автомашинаси,  
боксчиларнинг устозлари-  
га қимматбаҳо эсдалик  
совгалари топишди.

К. НИЗОМОВ,  
ЎзА мухбири.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ ТЕСТ - ЭНГ АДОЛАТЛИ СИНОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мах-  
камаси Давлат тест маркази директори Мух-  
син Муҳиддинов билан бу йилги тест си-  
новларига тайёргарлик ишлари ҳақида суҳ-  
бат.

— Мухсин Мўминович, аввало бу йилги  
тест синовларидаги янги қондалар, ўзгариш-  
лар ҳақида гапириб берсангиз.

— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ва-  
зирлар Маҳкамасининг "1998-1999 ўқув йи-  
лида Ўзбекистон Республикасининг олий таъ-  
лим муассасаларига қабул бўлишда"ги қарори  
эълон қилинди. Мақсуд ҳужжатда таъкидлан-  
ганидек, бу йил мамлакатимиз олий ўқув  
юртларига давлат грантлари бўйича 21 минг,  
шартномалар бўйича ҳам шунча, жами 42  
минг талаба қабул қилинади. Қарорда тест  
синовларидаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳам  
аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ўтган йилларда давлат грантлари бўйича  
алоҳида, шартномалар бўйича алоҳида қабул  
ўтказилди. Баъзан давлат гранти бўйича  
юрти балл тўплаган абитуриент қўлиб, шарт-  
нома бўйича ундан оз балл тўплаган абиту-  
риент ўқишга кириб кетар эди. Бу усул ота-  
оналарда ҳақли эътироз уйғотди. Шунинг  
учун бу йил олий ва ўрта махсус ўқув юр-  
тлари қабул бора учун - давлат грантлари  
бўйича ҳам, шартнома бўйича ҳам тенг  
ҳуқуқлилик, ягона қабул қондалари асосида  
амалда оширилди. Тест синовларидан энг  
юрти балл тўплаган абитуриентлар давлат  
грантлари бўйича биринчи навбатда қабул  
қилинади. Шунингдек, бу йил талабалар қабул қилиш ма-  
млакатимизда мутахассисларга бўлган эъти-  
ҳатга қараб белги-  
ланди. Жорий йилда гумани-  
тар мутахассисликларга  
14 мингта жой ажратилган.

Мамлакатимизнинг чет эллар  
билан алоқаси йилдан-йилга  
кенгайиб бормоқда. Демак, чет  
тилини билидиган мутахассис-  
ларга талаб ортмоқда. Бу йил  
биринчи Жаҳон тилини уни-  
верситетга 1170 та талаба қабул  
қилинади. Сўнги йилларда  
мактабларимизга малакали  
ўқитувчилар етказиб бериш, ёш  
аёлдин ватанпарварлик, юртга  
салокат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор  
берилмоқда. Бу йил педагогика ўқув юр-  
тлари ҳам ҳар йилдан кўпроқ талаба қабул  
қилинади. Биринчи Тошкент давлат педаго-  
гика университетига 2080 та ўрин берилган.

Шу йилдан бошлаб Миллий хавфсизлик  
хизмати, Ички ишлар ва Мулоффа вазирлик-  
лари тасарруфидоги ўқув юртларига ҳам тест  
синовлари асосида қабул бўлади. Маркази-  
миз бўлган ўқув юртларига курсантлар танлаш-  
га мўлжалланган махсус тестлар яратилди.

Шунингдек, 5-9 синф дастури асосида акаде-  
мик лицейлар учун ҳам тестлар тўзилди.

Яна бир гап. Тест натижалари белги-  
ланган тартибга биноан апелляция қилинади.  
Шу муносабат билан марказимиз талабалар-  
ни қабул қилиш тартиби ва қондалари турти-  
сидаги Низоми аниқлик киритишни тақдир  
этмоқда. Унга қўра, тест ўтказиладиган кун  
абитуриент тест саволининг бирортасига эъти-  
роз билдирса ва ўз эътирозини исботлай ола-  
са, уша нақдла аудитори раҳбари ва марказ ва-  
кили томонидан абитуриент эътирози турти-  
сида махсус далолатнома тўздирилди. Дало-  
латнома гуруҳнинг жавоблар варақаларининг  
устига қўйилиб, жавоблар варақаси пакетига  
солиб бида юборилади. Абитуриент тест са-  
волига эътироз билдирган бўлса-да, унга жа-  
воб бериши шарт.

— Ҳозирда айрим абитуриентлар Давлат

тест маркази томонидан чиқарилган Ахбор-  
ротномаларни ёдлаш билан банд. Бу ик-  
дорли ёшларни эмас, балки икдорли "ёдо-  
чиларни" таълаб олиш бўлиб қолмайдими?

— Йўқ, Чунки тест саволлари йилдан-  
йилга кўпайиб бормоқда. Ўтган йилги Ахбор-  
ротномаларда 40 минг савол бор эди. Бу  
йилги саволлар 60 мингта, келаси йилги 90  
мингтага етади. Бунча саволни ёдлаб олиш-  
нинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, компьютер  
синов пайтида тестларни шундай тақсимлай-  
дики, улар Ахборотномадаги тартибда  
бўлмайди. Бизнинг Ахборотномаларни чи-  
қаришдан мақсадимиз абитуриентларга са-  
волларни ёдлаб олиш имкониятини бериш  
эмас, балки синовга тайёргарликлари учун  
йўл-йўриқ кўрсатишдир.

Ахборотномалар ҳатто айрим мактаб  
ўқитувчиларига ўз малакаларини ошириш-  
лари ҳам ёрдам бўлади. Чунки ўқувчи  
Ахборотномадаги саволни берганда узиб қол-  
маслик учун ўқитувчи ўқишга, ўрганишга,  
изланишга мажбур бўлаётти.

— Мухсин Мўминович, тестни энг адо-  
латли синов, деяпмиз. Иложи бўлса, шунинг  
мисоллар билан тўшатиб берсангиз.

— Яшириб нима қилганимиз: собиқ шўролар  
тузуми даврида энг яхши олий ўқув юр-  
тига биринчи навбатда амалдорларнинг, пул-  
дорларнинг фарзандлари кирар эди. Бу иш  
ҳаммамизнинг кўз олдимизда рўй бергани  
учун одамларда ишонч йўқолган. Шунинг  
учун баъзи ота-оналар ҳамон  
эскича қайғидаги юришибди. Аслида эса, ўқув тизими тест  
синовларига ўтган, вазият му-  
лақо ўзгарган. Буни исботлаш  
учун узоққа бориб юриш шарт  
эмас. Ўтган йили талабалikka  
қабул қилинган ёшларнинг 45  
фоизини олий ишчи ва деҳ-  
қонларнинг, 48 фоизини зи-  
лиларнинг фарзандлари ташкил  
этилди. Бор-йўги 7 фоиз талаба  
эса тадбиркор ва ишбилармон-  
ларнинг болаларидир.

— Мамлакатимизда тест си-  
новлари жорий этилганига беш  
йил бўлди. Шу вақт мобайнида  
ўзига яраша қийинчиликлар, муаммолар  
пайдо бўлган бўлса керак?

— Албатта. Ҳар қандай яхши ташаббус  
ҳам ўз-ўзидан амалга ошармайдими. Билсан-  
гиз, дастлаб тестга ўтишганда жаов варақа-  
лари қалам билан тўлдириларди. Бу одам-  
ларда ишонсизлик уйғотди. Шунинг учун  
ручка билан тўлдирилиш жорий элдик. Бун-  
дан ташқари, мамлакатимизда сўнги йил-  
ларда тарих, бошқа ижтимоий фанлар ил-  
мий асосда қайта яратилмоқда. Республика-  
мизда миллий мафкура яратиш йўлида даст-  
лабки қадмалар қўйилди. Буларнинг бари биз-  
дан тинимсиз изланишнинг, тест саволларини  
замонга мослаб ўзгартириб боришни талаб  
этмоқда.

Баъзи бир ота-оналар, фарзандларингиз-  
ни мен ўқишга киритиб қўяман, деган ай-  
рим фирибгарларнинг тузоғига илминган ҳол-  
лар ҳам учрамоқда. Бундай ота-оналарга битта  
гапни айтиб қўйишим керак: тест энг му-  
камал синов ва унга ҳеч ким, ҳеч қандай  
таъсир ўтказа олмайдми. Шундай эҳол, фар-  
зандларингиз фақат ўзига, ўз билимига  
ишонсин.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ  
суҳбатдош.  
(ЎзА)



## ОЛМОН ДИЁРИДА ЎЗБЕК МУСИҚАСИ ЯНГРАДИ

Бетховен, Бах, Моцарт  
сингари буюк мушқашу-  
носларни ким билмайдими,  
дейсиз. Ўтган кунни ана  
шундай фарзандларни воя-  
га етказган Олмония диё-  
рида жаҳон мушқашунос-  
ларининг VIII халқаро  
фестивали ниҳоясига етди.  
Унда юртимиз вакиллари  
— Тошкент давлат консер-  
ваторияси ўқитувчиси Ф.  
Абдурахимова бошчилиги-  
даги «Сўғдиёна» камер

оркестри қатнашди. Ўзбек  
санъаткорлари Германия-  
нинг Берлин, Дрезден,  
Лейпциг шаҳарларида  
АКШ, Швейцария, Авст-  
риядан келган профессио-  
нал мушқашу гурӯҳлари би-  
лан тенгма-тенг концерт  
беришиб, томошабинлар  
олқишга, жюри ҳайъати-  
нинг махсус дипломига  
сазовор бўлишди.

(Ўз мухбиримиз).

## МАҲАЛЛА — БЕБАҲО ҚАДРИЯТ, САҲОВАТ ВА САВОБ МАСКАНИ

### „Маҳалла“ лотереяси - омад синовини!

Мамлакат тарихида биринчи марта ўтказилган  
ўзбек лотереяси ўзининг қатнашчиларига  
ютуқларига эга бўлди.

Сизни бешта бир миллион сўмлик, бешта 700000  
сўмлик, бешта 250000 сўмлик, ўн та 100000 сўмлик,  
жами 205280 та ютуқ кутмоқда.

Лотерея билетлари Халқ банки бўлимларида,  
маҳаллаларда ва газета дўконларида сотилмоқда.

Баҳси — 50 сўм.

Омадингизни кўлдан берманг, азизлар!

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»),  
А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралмов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир  
ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари —  
«Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий,  
И. Худоёров, И. Шогўломов, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28;  
Эълонлар 136-09-25.

Ҳушхотдан ўтиш тартиби № 00001  
Буюртма Г — 0173, 34565 нусхада босилди.  
ҳажми — 2 табоқ; Офсет усулида босилган.  
Қўғза бичими А—2  
Газета ИВМ компьютерда тартиб ва оператор  
Сейит ДУҚИП  
томонидан саҳифаланди.  
Таҳририятда ҳафта 5 қўғзада илкл материал-  
лар қабул қилинмайдми.

«МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Тўшев.  
Навбатчи — Ш. Қаримов.  
Мусаххас — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади: 23,15 1 2 3 4 5 6

«ХАЛҚ СЎЗИ»  
«НАРОДНОЕ СЛОВО»  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси